МЕТАФОРАЛАР КОГНИТИВ ТИЛШУНОСЛИК ТАЛҚИНИДА

Ж.Ж.Эгамбердиев

Мақола тил тизимининг таркибий қисми саналмиш метафораларнинг когнитив тилшунослик нуқтаи назаридан талқинига бағишланган. Маълумки, сўнгги йилларда тилшунослик назариясида тил манбаларини янги пайдо бўлган йўналишлар параметрлари билан таҳлил қилиш одат тусига кириб бормоқда. Мазкур мақоладаги фикр ва хулосалар юқорида зикр этилган йўналиш рукнида ўз ифодасини топган.

Калит сўзлар: *метафора, когнитив тилшунослик, онг ва тафаккур, дунё манзараси, лингвокультурология, когнитив грамматика.*

Статья посвящена проблеме метафоры, как составной части языковой системы, с точки зрения когнитивной лингвистики. В последнее время приобрел актуальность анализ языковых фактов с позиций новых направлений современного языкознания, каковыми являются когнитология и лингвокультурология.

Ключевые слово: *метафора, когнитивная лингвистика, сознание и мышления, картина мира, когнитивная грамматика и лингвокультурология.*

Today we are learning language facts with the help of parameters of new directions of linguistics called cognitology and linguo-cultural studies. The article deals with the problems of metaphor known as a component of the language system from the point of view of cognitive linguistics.

Key words: *metaphor, cognitive linguistics, consciousnessand thinking, world picture, cognitive grammar and linguo-cultural studies.*

Метафоралар таҳлилига ўтишдан аввал, когнитив тилшуносликнинг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари хусусида тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Когнитив тилшуносликнинг вужудга келиши ва ривожланишини тарихий хронологик жиҳатдан таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир, яъни уни 3 босқичга бўлган ҳолда ўрганиш бизнинг назаримизда тўғри бўлур эди:

1. 60-йилларгача бўлган давр, бу даврда Ф.де Соссюрнинг структурализм ғоялари бу йўналишни бошлаш учун замин яратди/

2. 60-йилларнинг боши ва 70-йилларнинг охиригача бўлган давр, бунда Ж.Миллер ва Ф.Жонсон-Лердларнинг когнитология бўйича олиб борган тадқиқотлари когнитив соҳада туб бурилиш-

Ж.Эгамбердиев *– АДУ инглиз тили лексикаси ва стилистикаси кафедраси мудири.*

лар ва янгича қарашларнинг дебочаси бўлди дейиш мумкин.

3. 80-йилларнинг 2-ярмидан то ҳозиргача бўлган даврни ўз ичига олади, бу когнитология соҳасида қилинган ишларнинг, тадқиқотларнинг "портлаш" даври бўлди. Хусусан, 1989 йилнинг баҳор ойида Дуйсбург (Германия)да бўлиб ўтган навбатдаги халқаро лингвистика симпозиуми ёхуд когнитив тилшунослик соҳасидаги биринчи халқаро конференциянинг бўлиб ўтиши ва симпозиум қатнашчилари томонидан Халқаро Когнитив Тилшунослик Ассоциацияси (International Cognitive Linguistic Association)нинг ташкил топиши, "Cognitive Linguistics" журналининг янги нашрларининг дунё юзини кўриши, когнитология соҳасида қилинган ишларнинг асосий ютуқларидан бўлди десак, ҳеч муболаға бўлмайди.

1975 йилга келиб "Когнитив прагматика атамаси" илк бор Ж.Лакофф ва Г.Томпсоннинг "Когнитив грамматикани тақдим этамиз" номли мақоласида келтирилган эди [1]. 1987 йилда чоп этилган Р.Лангакернинг "Когнитив грамматика асослари" китобининг биринчи жилди (иккинчиси 1991 йил) когнитив тилшуносликнинг шаклланишида алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур йўналишнинг чўққига чиқишида Л.Талми, Ч.Филлмор ва У.Чейфларнинг 80-йилларда нашр этилган мақола ва монографияларининг ўрни салмоқлидир [3]. Айниқса, Оврўпо тилшунослари бу соҳада сезиларли даражада илдамлаб кетдилар. Хусусан, Р.Лангакернинг когнитив грамматика (An Introduction to cognitive grammar) соҳасида олиб борган тадқиқотлари [5], Ж.Лакофф ва М.Жонсоннинг концептуал метафораси (Metaphors we live by), шунингдек, рус олимларидан Ч.С.Кубрякова, Б.А.Серебренников, Ю.С.Степанов, А.Д.Арутюнова, Е.В.Падучева каби тилшуносларнинг илмий-тадқиқот ишлари когнитив тилшуносликнинг янада тарққий этишига замин яратди [4].

Ҳамюртларимиздан Ш.Сафаров, М.Холбеков, С.Раҳимов, А.Маматов, А.Нурмоновлар когнитология соҳасида изланишлар олиб бормоқдалар. Айниқса, Профессор Ш.Сафаров томонидан нашр қилинган "Когнитив тилшунослик" китоби юртимизда когнитология соҳасида қилинган катта ютуқлардан бири бўлди десак, ҳеч адашмаймиз.

Когнитология ҳақида шунчалик кўп фикр билдирилганки, бундан "Когнитология ўзи нима?" деган савол жавобсиз қолаётганга ўхшайди. Когнитив тилшунослик борасида билдирилган таърифлар ҳам хилма-хил. Масалан, Р.Шепард "Когнитив тилшунослик фикрлаш жараёнини бошқаришнинг асосий принципларини ўрганувчи фан" деса, Ф.Жонсон Лерд "Когнитив тилшунослик шундай фанки, у инсон ақлини англашни мақсад қилиб қўяди, шунинг учун ҳам у шу ақлнинг ишлаш моделини, мия фаолиятининг "дубликатини" яратиши керак деб таърифлайди. Я.Нютс эса когнитив тилшунослик инсон миясидаги барча қобилиятлар (энг аввало, гапириш қобилияти) инфраструктурасини ўрганиш деб билади.

Когнитив тилшунослик, Ш.Сафаров таъбири билан айтганда, икки буюк наҳанг – тил ва тафаккурни боғловчи занжир қай йўсинда ўзаро бирикиши билан боғлиқдир [2.6].

Когнитив тилшунослик бизнинг илмий-тадқиқот объекти бўлган метафора муаммоси билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Бу борада когнитив тилшуносликнинг машҳур вакиллари Ж.Лакофф ва М.Жонсоннинг фикрлари диққатга сазовордир. Улар метафораларнинг инсон тафаккури билан боғлиқлиги тўғрисида мулоҳаза юритиб, "абстракт концептлар метафоралардан яралади" деган концепцияни илгари сурадилар. Демак, когнитологиянинг асосий устуни ҳисобланган консептлар метафораларнинг яралишидан бунёд бўлади ва шунинг учун ҳам уларни ҳаётимизнинг таркибий қисми сифатида ўрганиш аҳамияти янада ортади. Ж.Лакофф ва М.Жонсон машҳур "Metaphors we live by" китобининг муаллифлари сифатида метафоралар ҳаётимизнинг таркибий қисмига айланиб улгурганини таъкидлаб ўтадилар. А.Н.Баранов бу китобни "Когнитологияда метафораларнинг қурилишини ёритиб берувчи "Инжил" деб баҳолар экан, у когнитив тилшуносликда асосий дастуруламал бўлиб хизмат қилади деган фикрни илгари суради.

Мазкур тадқиқотчилар "Metaphors we live by" (1980) китобида "Argument is war" (Баҳс бу уруш) концептуал метафорасини илмий таҳлилдан ўтказадилар.

Метафоралардан ҳаётимизнинг таркибий қисми сифатида кундалик мулоқот пайтида кенг фойдаланамиз. Масалан, "Баҳс – бу уруш" метафорасини таҳлил қилар эканмиз, кундалик мулоқот пайтида баҳсли ҳолатларни кузатган бўлсак, бу баҳсларда кўпинча урушда ишлатиладиган терминлар (атамалар)дан (масалан: қарши тараф менга ҳамла қилди, у менга ташланди, мен ютдим, мен енгдим, мен ўз фикрларимни ҳимоя қилдим каби калималардан) фойдаланамиз.

Баҳс бу жисмоний олишув эмас, бироқ у шундай сўз жангики, у баҳсда ўз аксини топмай қолмайди. Айнан шунинг учун ҳам "Баҳс бу уруш" метафораси бизнинг маданиятда "яшовчи" метафоралар сирасига кириб, баҳс давомида бажараётган хатти-ҳаракатларимизни бошқаради.

Ж.Лакофф ва М.Жонсон томонидан киритилган бошқа бир концептуал метафора "Time is Money" (Вақт бу пул) деярли ҳар бир миллий маданият

учун хос метафора десак адашмаймиз. Кундалик ҳаётимизда кўп бор мулоқот жараёнида ишлатган ёки эшитган сўзлар, мақолларга (менинг вақтимни оляпсиз, вақтни беҳудага сарфлама, вақтинг кетди – нақдинг кетди, вақт ақчадур – ғофил бўлма қочадур, вақт кетди – бахт кетди, тожи сари тахт кетди) дуч келамиз. Бундай тушунчалар бизда вақт чегараланган ресурс бўлиш билан бирга қадр-қимматга эга нарса деган таассурот уйғотиши мумкин. Пул ҳам айнан чегараланган ресурс ва қадр-қимматга эга товар ҳисобланади. Айнан шунинг учун “Time is Money” концептуал метафораси spend, invest, use, budget, profitable, cost, have, give, waste, lose сингари сўзлар билан ёнма-ён келади. Демак, метафоралар кундалик ҳаётимизнинг таркибий қисми, биз абстракт тушунчаларнинг моҳиятини англаш учун уларни бошқа бир реал предметларга онг ва тафаккуримиз орқали кўчирамиз.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, когнитив тилшуносликнинг асосий ўрганиш объекти тил ва ундаги мавжуд метафоралардир. Бежиз Р.О. Якобсон “тил ўлик метафоралар тизимидир” деб таърифламаган.

Адабиётлар:

1.Лакофф Дж.Джонсон, М. Метафоры, которыми мы живем. // Теория метафоры.- М.: Прогресс, 1990.- С.388-389.

2.Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик.- Т.: Сангзор, 2006.

3.Скребцова Т.Г. Американская школа когнитивной лингвистики / Послесл. Н.Д.Сухачева.- СПБ, 2000.

4.Таратынова Т.Б. Становление когнитивной лингвистики.- Челябинск, 2008.

5.Ronald W. Langacker “An introduction to cognitive grammar”, University of California, San Diego, 1986.

6.Lakoff G., Jonson M. Metaphors we live by. Chicago of Chicago Press, 1980.

2014 йил 14 январда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. С.Раҳимов)